

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 29-dekabr, payshanba

№ 51 (9215)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti\_gazetasi

## “ХОШАМЕТ – 2022”: ЭНГ МУНОСИБЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида “Хошамет – 2022” мукофотини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси А.Оринбаев иштирок этиб, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш, ёш авлод вакиллари маънавий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялашда давлат, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини қайд этди.

Бугунги кунда барча соҳаларда ва ўқув муассасаларида тендошларига тегаран билими, фаолияти ва ташаббуслари билан намуна бўлаётган ёшларга мамлакатимизнинг келажак пойдеворлари сифатида қаралмоқда. Юртимизда турли соҳаларда юқори натижаларга эришаётган ёшларни атрофлича қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат мукофотлари, стипендиялар ва ҳар хил грантлар жорий этилган.

Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан мамлакатимизда маданият, санъат, ижодиёт, журналистика, спорт соҳаларини ва тадбиркорликни кенг ривожлантириш, тинчликни таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳаларда ютуқларга эришган энг фидойиларни

қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилдан буён “Хошамет” мукофотини тантанали топшириш маросими ўтказилиб келинмоқда.

Маросимда ўз хизмат вазифасини бажаришда фидойилик кўрсатиб, юқори натижаларга ва жамиятда ҳурмат-этиборга эга, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи мақсад ва

вазифаларини амалга оширишда фидойилик кўрсатаётганлар тақдирланди. “Йилнинг энг фаол ёшлар устози”, “Йилнинг энг фаол ҳокими”, “Йилнинг энг фаол сектори”, “Йилнинг энг фаол ҳамкор ташкилоти”, “Йилнинг энг фаол ёшлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари”, “Беш ташаббус олимпиадасининг Республика босқичида маҳалла ёшлари энг кўп

ўрин олган ёшлар етакчиси”, “Йилнинг энг фаол сардори”, “Йилнинг энг фаол ёш тадбиркори”, “Ёшларни тарбиялашдаги фаоллиги учун”, “Камалак” болалар ташкилоти фидойиси” “Меҳр-саховат тимсоли” каби 22 та номинация бўйича ғолиблар аниқланди.

– Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди “Йилнинг энг фаол ёшлар устози” номинацияси ғолиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси, сенатор Улуғбек Жалменов. – Касаба уюшмалари ҳаммаша ёшларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли талабалар учун “Касаба уюшмалари стипендияси” жорий этилди. Камтарона меҳнатимизни баҳолаб, мана шундай мукофотга сазовор қўрилганимдан хурсандман.

Мукофот эгалари махсус диплом, статуетка ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир санъат усталарининг гала концерти билан якунланди

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

## ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

“Тараққиёт стратегияси” маркази экспертлари томонидан доимий равишда вазирлик ва идоралар, турли даражадаги ташкилотлар ходимлари учун мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказишга қаратилган тақдимотлар ўтказиб келинмоқда.

27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ходимлари учун Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси ва унда илгари сурилган устувор йўналишларнинг мақсад ва вазифаларига қаратилган тақдимот ўтказилди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Э.Туляков давлат раҳбари Мурожаатномада дастлаб 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлишига қарамасдан эришилган натижа ва кўрсаткичларга тўхталгани, шунингдек, 2023 йилда ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланганига алоҳида тўхталиб ўтди.

Жумладан, ушбу сиёсатнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном берилди. Шу билан биргаликда, йил давомида амалга оширишга қаратилган олти устувор йўналиш ва вазифаларнинг белгиланганлиги ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Хусусан, биринчи устувор йўналиш доирасида вазирлик ва идоралар сони 61 тадан 28 тага камайтирилиб, ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул этиб белгиланмоқда. Ушбу ислохотларнинг иккинчи босқичида давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқартирилиши профессионал давлат хизматчилари фаолиятини йўлга қўйиш ва фуқаролар ортқича оварагарчиликларининг олди олинишига хизмат қилади.

Шунингдек, тақдимот давомида Э.Туляков Мурожаатномада илгари сурилган барча йўналишлар қатори бешинчи – эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш йўналишида белгилаб берилган бир қатор мақсад ва вазифаларнинг ижроси Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги масъуллари зиммасига ҳам катта масъулият юклаганини эътироф этди. Жумладан, ушбу йўналишни амалга ошириш жараёнида, биринчи навбатда, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилигининг жиддий ислохот қилиниши, бунда барча давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий этилиши каби вазифалар белгиланаётганлиги агентлик томонидан халқаро талаб доирасидаги меъёрларни тадбиркорлар фаолиятига кенг татбиқ этишни талаб этади.

Шу боисдан, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертифицирлаштириш ва метрология соҳасининг жадал ривожланиши мамлакатда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга қўлайлиқлар яратиш билан бир қаторда, имкониятлар қўламини ҳам кенгайтиради.

Тақдимот якунида агентлик ходимларининг Мурожаатнома юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари тингланиб, маърузачи томонидан уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

ЎЗА

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## ИЛМИЙ ЁНДАШУВ МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан “2023 йил ҳосили учун жамғарилган уруғлик картошкаларни саралаш, сақлаш, сертификатлаш ва реализация қилишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг илмий асосланган ечимлари” мавзусида Янгикўрғон туманига пресс-тур ташкил қилинди.



Яқунланаётган жорий йилда виллоят бўйича жами 21 минг 626 гектар майдонга картошка экилган бўлиб, бунинг учун жами 47 минг 662 тонна уруғлик сарфланди. Эътиборлиси, уруғликнинг асосий қисми виллоятнинг ўзида етиштирилди. – Картошкачилик соҳасида фаолият олиб бораётган агрокластерлар, фермерлар ёки томорқа, деҳқон хўжалиklarининг асосий мақсади бу албатта, юқори ҳосилдорликка эришишдир, – дейди “Ўзагроинспекция” бўлим бошлиғи Ҳайдар Маҳмудов. – Картошка етиштиришда

авлоди эскирган навларни экиб, қутилганидек натижага эришиб бўлмашлигини тажрибали деҳқонлар жуда яхши англайди. Бу билан ҳисоблашмай деҳқончилик қилиб пешона тери зое бўлган, алаоқибат эса ҳосил оломай картошкачилиқдан воз кечаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай ачинарли ҳолатни бартараф этишнинг илмий асосланган агротехнологияси бор. Картошка авлодини аниқлаш учун апробация қилиниши ўта аниқликни талаб қиладиган масала бўлиб, тадбирга илмий ёндашиш керак.

(Давоми 2-саҳифада)



### АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”:

## ЖОРИЙ ЙИЛДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Яқинда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан айна мавзуда матбуот анжумани ўтказилди. Банк бошқаруви раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” бошқаруви раиси Алишер Муратов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, банк тизимини замонавий талаблар асосида модернизация қилишда дастуриламал бўлаётганини таъкидлади. Мазкур муҳим ҳужжатга мувофиқ, банклар фаолиятининг сифати яхшиланиб, хизматлар кўлами кенгаймоқда. Пировард натижада банкларнинг оммабоплиги ошмоқда. Ҳозирда республикамиз худудларида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг жами 103 та банк хизмати офислари ва банк хизмати марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар орқали 700 мингдан ортқич мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТАДИ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, “ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”НИНГ КўП ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАРИ, ҲАМФИКРЛАРИ, ҲАМКОРЛАРИ!

Бугун ўзингизга яхши маълумки, юртимизда кейинги йил учун даврий нашрларга обуна уюштириш даври. Бу давр шундай ўтмоқдаки, газетанинг жамиятдаги ўрнига бефарқ қараш, унинг хизматини шубҳа остига олиш каби негатив қарашли фикрлар ҳам қулоғингизга чалиниб тургандир? Бундай ҳулосалар аллақачон бундан дунёда, хусусан, юртимизда ҳам асоссиз фикрлар эканлиги ўз тасдиғини толиб бўлди. Бугун газета ва унинг муштарийси ҳамфикр бўладиган пайт келди. Газета ҳеч қачон Сизнинг беиминнат ҳаммаслагингиз бўлиш ниятидан воз кечмайди. Сизнинг ҳам ўз хизматингизга беиминнат киришувчи нашрингизни маҳкам кучиб, қўлайдиган пайтингиз бугун. Биз Сизга ишонамиз. Шу мақсадда бугун давом этаётган обуна мавсумида қарийб 50 йил давомида ҳаммаслагингиз бўлган ўз нашрингизга обуна бўлишда асло иккиланманг! Сиз обуна бўлиб, ўз-ўзингизга бир йил давомида маънавий-маърифий дастёрингиз, фаолиятда кўмакчингизни танланг.

“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ” Сиз билан

ОБУНА ОБУНА УЮШТИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАХРИРИЯТ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Тахририят билан боғланиш учун телефон рақамлар: 71-233-40-87, 71-233-09-93, 71-233-28-04, 95-080-43-70, 99-050-69-45, 90-317-19-16.



OAB ходимлари махсулотларни сақлаш омборларидаги шароит ва имкониятлар билан таништирилди

## ИЛМИЙ ЁНДАШУВ МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

(Боши 1-саҳифада)

Афсуски, аксарият ҳолатларда кластерлар ва фермерларда бундай талабларга риоя қилинмаслиқ ҳолатлари учрамоқда. Томорқачи деҳқонлар етарли билимга эга эмаслигидан уруғлик картошкани танлашда хатоликларга йўл қўймоқда. Махсус лабораторияларда сертифициланган ва сифати кафолатланган уруғларни эккан деҳқонлар айтиши мумкин, хавотирланмай, кафолатланган юқори ҳосил етиштиришлари мумкин.

– Голландиянинг "Агрико"



компанияси билан имзоланган шартномага мувофиқ "Констанца", "Арнова" ва "Аризона" навли элита уруғдан 900 тонна олиб келиниб, омборда сақланмоқда, – дейди "Узагроинспекция"нинг Янгиқўрт тумани бўлими катта инспектори Бекзод Йўлдошев. – Ушбу навларнинг ҳосилдорлиги юқори ва тумандаги деҳқон, фермер ва томорқа хўжалиқлариغا етказиб беришни мақсад қилганмиз. – Бугунги кунда омборларимизда етарли миқдорда уруғлик захирамиз бор, – дейди "Мусаффо мега савдо" томорқа хизмати

кластери раҳбари Исроимиддин Мирзаев. – Йигирма йилдан буён экин экиб, ер билан тиллашман. Голландиядан келтирилган уруғларнинг юқори ҳосилдорлиги ва бошқа афзалликлари ўз тажрибамизда тасдиғини топди. 2021 йилда Голландияга бориб, тажриба алмашиб келдик. Махсус транспорт воситаларида 12 кунда уруғлик картошка туманимизга етказиб келинмоқда. Президентимизнинг соҳага доир қарорлари ижроси таъминланаётгани баробарида логистика билан боғлиқ муаммоларга ҳам барҳам

берилди. Айтмоқчиманки, авваллари бундай имкониятлар бўлмаган. Темирийўл воситасида келтириладиган махсулот ўз муддатида етиб келмасди. Хуллас, берилаётган имтиёзу имкониятлардан оқилона фойдаланяпмиз. Биргина "Констанца" нави гектардан 40-45 тоннагача ҳосил берапти. Бу ҳам жуда катта натижа.

Шунингдек, пресс-тур давомида тумандаги "Нанай", "Кўкёр" ва "Бирлашган" агрофирмасида уруғлик картошка етиштириш лойиҳалари кўргазмалари баннер воситасида тақдим қилинди. OAB ходимлари махсулотларни сақлаш омборларидаги шароит ва имкониятлар билан таништирилди.

Туман Маданият марказида ўтказилган очиқ мулоқотда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари туманларидан келган мутасаддилар, инспекция ходимлари ва фермерлар иштирок этди. Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази давлат унитар корхонаси лаборатория бошлиғи Улуғбек Ҳасановнинг уруғчиликнинг асосий вазифалари, функциялари ва сертифицилаштириш йўриқлари ҳақидаги маърузаси тингланди. OAB вакиллари ва иштирокчиларнинг мавзу юзасидан саволларига тегишли мутасаддилар ҳамда мутахассислар атрофича жавоб қайтарди.

**Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,**  
**Муҳиддин МАҒЗУМОВ.**

## "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ" РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Кеча Миллий матбуот марказида "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. "Инсон қадрини улуғлашга бағишланган энг яхши материал учун", "Оила, маҳалла ва гендер тенглик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун", "Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун", "Ёшлар муаммолари ёритилган энг яхши материал учун", "Соғлом турмуш тарзи ва спорт мавзуси ёритилган энг яхши материал учун", "Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ёритилган энг яхши материал учун", "Бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалалари ёритилган энг яхши материал учун", "Йилнинг энг яхши танқидий-таҳлилий материали учун", "Йилнинг энг яхши публицистик жанрдаги китоби учун" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.



## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Самарқанд шаҳар ХТБга қарашли 57-умумтаълим мактабида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида "Жаҳолатга қарши маърифат" шиори остида шаҳардаги мавжуд барча умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг навбатдаги ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Семинар дастлаб меҳмонларни кутиб олиш ва очик дарслар тақсими билан бошланди. "Гийёҳвандлик умр заволи", "Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари", "Қиз боланинг босиб, уни турмушга тайёрлаш", "Мобиль телефондан тўғри фойдаланиш", "Ҳаёт нақадар гўзал", "Спортни сев, спорт билан яша!", "Кутубхона – нуруна" каби кўплаб қизиқарли мавзуларда ташкил этилган очик дарс соатлари иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирди. Сўнг семинарнинг асосий қисми фаоллар залида маънавий-маърифий тадбирлар билан давом этди. Мактабнинг энг фаол ўқувчилари томонидан тайёрланган миллий рақслар, ватанни мадҳ этувчи куй ва

кўшиқлар, саҳна кўринишлари ўзининг тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан мактаб жамоаси ва меҳмонлар қалбига чуқур из қолдирди. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари томонидан ижро этилган "Тановор" рақси тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Самарқанд шаҳар ХТБнинг маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш шўъбаси раҳбари Зарифа Боликулова таъкидлаганидек, семенарга катта тайёргарлик кўрилиб ҳамда юқори савияда ўтказилди.

**Хулқар МАМАТМУРОДОВА,**

Самарқанд шаҳридаги 57-умумтаълим мактабининг ижобий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

## АҲОЛИ ВА ДАМ ОЛУВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Чимён. Оппоқ қорға бурканган бу гўзал гўша бугун юртдошларимиз ва юртимиз меҳмонлари энг кўп ташриф буюрадиган манзиллардан бири. Айни кунларда курорт зонаси мутасаддилари аҳоли ва дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бунинг учун ҳудудда барча чора-тадбирлар кўрилган бўлиб, дам олувчилар учун етарли шароитлар яратилган. Бугун кўплаб ҳамюртларимиз бундай имкониятдан фойдаланиб, гўзал табиат манзараларидан завқ олмақда.

Ўз мухбиримиз.



(Боши 1-саҳифада)

Ҳозирга келиб банкнинг соф активлари йил бошига нисбатан 18,3 фоизга ошиб, 24 трлн. 500 млрд. сўмга етди. Банкнинг умумий капитали 2 трлн. 912 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 216 млрд. сўмга ортган. Банк депозитлари миқдори 8 трлн. 471 млрд. сўмни жумладан, қисқа муддатли 1 трлн. 63 млрд. сўмни, узоқ муддатли 7 трлн. 408 млрд. сўмни ташкил этган. Бунда узоқ муддатли депозитлар йил бошига нисбатан 2 трлн. 94 млрд. сўмга, яъни 39,4 фоизга ошган. Банкнинг 2022 йил якуни бўйича кредит қўйилмалари 20 трлн. 220,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 2 трлн. 465 млрд. сўмга ёки йил бошидаги кредит қўйилмасига нисбатан 14,1 фоизга ўсган.

Тадбирда банкни трансформация қилиш мақсадида, халқаро консалтинг компанияси (PwC) жалб қилинган ҳолда, ривожланиш стратегияси (2020-2024) ва уни амалга ошириш йўли хариталари ишлаб чиқилгани ва банк Кенгаши томонидан тасдиқлангани маълум қилинди. Қайд этилдики, бугунги кунга қадар, банкнинг Чакана, Корпоратив, Операцион блоклари ва Риск, Газначилик, Молия, IT йўналишлари ҳамда ташкил этилган Лойиҳа офиси фаолиятлари халқаро экспертлар кўмагида трансформация қилинди. Ушбу жараёнда асосан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мижозга йўналтирилганлик даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш, мижозларнинг талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан тақдим этилаётган махсулотлар турларини кўпайтириш ҳамда уларга яратилган шароитларни янада яхшилаш асосий мақсад қилиб олинди. Масалан, олдин банк филиаллари мижозга хизмат кўрсатиш билан бир қаторда операцион фаолият-

## АТБ "Қишлоқ қурилиш банк":

# ЖОРИЙ ЙИЛДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

га тегишли бўлган функциялар билан ҳам шўғулланган, бу эса албатта, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига муайян таъсир кўрсатган. Трансформация натижасида эса, банкнинг бизнес йўналиши (чакана ва корпоратив блоклар)га фақат банк махсулотларини сотиш ҳамда хизмат сифатини яхшилаш вазифаси қўйилди, улардаги бошқа функциялар марказлаштирилди. Натижада, мижозларга хизмат кўрсатиш вақти 30 фоизга, банк ходимлари сони 469 тага қисқартирилди. Банкнинг кредит портфелини тармоқлар кесимида таҳлил қиладиган бўлса, саноат соҳасига 2 трлн. 400 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 982 млрд. сўм, қурилиш соҳасига 1 трлн. 595 млрд. сўм, савдо ва умумий хизматга 1 трлн. 872 млрд. сўм, транспорт ва коммуникация соҳасига 425 млрд. сўм, уй-жой коммунал хизматлари 92 млрд. сўм, бошқа соҳаларга 2 трлн. 410 млрд. сўм, жисмоний шахсларга 11 трлн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилган. Жорий йил давомида жами 7 трлн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилган бўлиб, юридик шахсларга 4 трлн. 350 млрд. сўм, жисмоний шахсларга 2 трлн. 620 млрд. сўм миқдоридан кредитлар йўналтирилган. Иил давомида давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари баёнлари ва ҳудудий дастурларга киритилган жами 6 трлн. 585 млрд. сўмлик 882 та (банк кредити 3 трлн. 494 млрд. сўм) лойиҳалардан 610 тасига 1

трлн. 850 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди ва 569 та лойиҳа ишга туширилиб, қарийб 9 мингта янги иш ўрни яратилди. Президентимизнинг 2022 йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига асосан 362 та лойиҳага 261 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 3 023 та янги иш ўрни яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 апрелдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмининг янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига асосан 132 та лойиҳа ташаббускорларига 150 млрд. сўмдан ортик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бугунги кунда бир қатор хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, хорижий кредит линиялари жалб қилинган ҳолда, хорижий валютада кредитлар ажратиб келинмоқда.

Жумладан жорий йил мобайнида: Франция тараққиёт агентлиги иштирокидаги "Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш" лойиҳаси доирасида 12,9 млн. Евро;

Европа инвестиция банки иштирокидаги "Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида 35 млн. АҚШ долларини;

Халқаро тикланиш ва тараққиёт

банки иштирокидаги "Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш 2-фаза" лойиҳаси доирасида 30 млн. АҚШ долларини;

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги "Фарғона водийсида қишлоқ хўжалик тадбиркорлигини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида қўшимча 10 млн. АҚШ долларини миқдоридан маблағларни жалб қилиш бўйича шартномалар имзоланди.

Ушбу жалб қилинган маблағлар ва банкнинг барча бошқа манбаалари ҳисобидан жорий йил давомида жами 164,3 млн. АҚШ долларини миқдоридан 299 та лойиҳа молиялаштирилди. Банк томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан республикамизда озиқ-овқат захирасини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштиришни кўпайтириш лойиҳаларига кредитлар ажратилди, жумладан, иссиқхона хўжаликлари барпо этиш учун 6,1 млн. АҚШ долларини миқдоридан 10 та лойиҳа, музлатгичли омборхона-



лар барпо этиш учун 7,5 млн. АҚШ долларини миқдоридан 11 та лойиҳа, боғдорчилик яъни боғлар барпо этиш учун 1,7 млн. АҚШ долларини миқдоридан 6 та лойиҳа, чорвачиликни ривожлантириш учун 4,3 млн. АҚШ долларини миқдоридан 25 та лойиҳа молиялаштирилди. Бундан ташқари, экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида 106 та экспортёр корхоналарга 110 млн. АҚШ долларини, жумладан, Экспортни қўллаб қувватлаш жағфараси маблағлари ҳисобидан 35 та экспортёр корхонага 13,9 млн. АҚШ долларини миқдоридан кредитлар ажратилган бўлиб, жорий йилда ушбу корхоналар томонидан 153 млн. АҚШ долларини миқдоридан экспорт тушуми амалга оширилди. АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ҳудудларда кўп қаватли уй-жойларнинг қурилишида иштирок этаётган пудрат корхоналарини молиялаштиришда бевосита иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2022 йил 1 январь ҳолатида 462 та пудратчи 1 трлн. 157 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилиб, кредит портфелидаги улуш 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг ўтган даврида 6 547 та хонадондан иборат бўлган 172 та кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томо-

нидан пудратчиларга 619 млрд. 300 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. 2022 йил 1 декабрь ҳолатида жами 634 та кўп қаватли уй-жойларини қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томонидан пудратчиларга 1 трлн. 776 млрд. 300 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилиб, кредит портфелидаги улуш 12,6 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бозор тамойиллари асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармонида мувофиқ жорий йилда банк томонидан 2022 йилнинг ўтган даврида 10 401 нафар фуқароларга 2 трлн. 200 млрд. сўм миқдоридан ипотека кредитлари ажратилди. Фармонга мувофиқ янги тартиб доирасида республика тижорат банклари томонидан 2022 йилнинг 11 ойида жами ажратилган ипотека кредитларининг 1 трлн. 800 млрд. сўми ёки 23,7 фоизи "Қишлоқ қурилиш банк" ҳиссасига тўғри келади.

Матбуот анжуманида OAB вакиллари қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!



## “ҚЎҚОНДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”

*акциядорлик жамияти жамоаси*

*юртдошларимизни, шу жумладан, донни қайта ишлаш соҳасида меҳнат қилиб келаётган барча ҳамкасб дўстларини, деҳқону фермерларни кириб келаётган 2023 йил – “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили билан самимий қутлайди ва янги йилда барчага янги-янги зафарлар ёр бўлишини тилайди.*

*Келаётган йил мамлакатимиз, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида омад ва қувончларга, муваффақиятларга бой йил бўлсин! Ғалламиз мўл, дастурхонларимиз тўкин-сочин, ризқимиз ҳаминша бутун бўлсин!*

*Янги йилингиз билан, қадрли ватандошлар!*




## 30 МИН ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

**Ватандошларимизни, шу жумладан, мамлакатимиз яшиллик оламини асраш, уни тобора кенгайтириш йўлида сиққидилган меҳнат қилаётган ўрмончиларни тобора яқинлашайтган**

### Янги йил

**байрами билан самимий муборакбод этади. Ушбу қувончли кунларда хонадонларингизга тинчлик, фойзу барақа, дастурхонларингизга бундан-да тўкин-сочинлик тилайди. Эзгу умид, пок ният ила қилаётган хайрли ишларингиз 2023 йилда ҳам барорли бўлсин!**



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## ДИЛДАН ЧИҚҚАН СУҲБАТЛАР

Шундай суҳбатлар, учрашувлар, кечалар бўладики, узоқ вақт хотирадан ўчмайди. Кишилар шундай тадбирларни яна қумсайди, суҳбатдошидан маънили гаплар эшитгиси келади.

Фарғона вилоятининг Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси йиғилишлар залида бўлиб ўтган “Уч авлод учрашуви” ана шундай дилтортар учрашувлардан бўлди, десак арийди. Унда бошқарма, бўлим ва сектор раҳбарлари, мелиоратив экспедиция, сув омборларидан фойдаланиш, Фарғона водийси магистрал каналлари, катта Фарғона канали бошқармалари, Сувқурилишинвест ДМ мутахассис ва ходимлари қатнашди.

– Ҳавза бошқармасида ёшлар билан бирга кекса авлод вакиллари ишлаб, ўзларининг ҳаётий тажрибаларини ўргатиб келаётган ва халқимиз фаровонлиги

йўлида олиб борилаётган умумий ишимизга самарали ҳисса қўшмоқдалар, – деди бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Сирожддин Умаров. – Сир эмас, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг илм олиши, касб эгаллаши, Ватанга садоқат билан хизмат қилишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Ҳар йили сув хўжалигини бошқариш соҳасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларини бир қанча ёшлар битириб келмоқда. Лекин уларда маълум кўникма, тажриба йўқ. Шундай пайтда уларга қакса авлод вакиллари кўмаклашмоқда, тажрибаларини ўргатмоқда.

Учрашувда вилоят сув хўжа-

лиги тизимининг тажрибали мутахассиси Фозилжон Расулов ва Туланбой Матмусаев ёш авлод вакилларига меҳнат фаолияти давридаги бўлиб ўтган қизиқарли воқеалардан гапириб берди.

– Ҳар касбнинг сир-асрори бўлади, – деди Фозилжон ака. – Сувчилар ишини баъзилар енгил-елпи баҳолашади. Сувни келтиролмаган деҳқон ҳосилсиз қолади, сув келтириш, уни ерга қай вақтда бериш учун тадбир тажриба, билим керак. Биз ҳам орттирган тажрибаю билимларимизни ёшлар ўргатиш ниятидамыз.

Шундан кейин ёш авлод вакиллари ҳам сўз олиб, устоз-шогирд анъаналарини давом эттиришга, устоз-мураббийларнинг бой тажрибаларини кунт билан ўрганишга астойдил ҳаракат қилишларини билдирди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,** “Qishloq hayoti” мухбири.

## “ДЎРМОН” ХАНГОМАЛАРИ ТУРКУМИДАН ЗАКОН

Устоз Саъдулла Сиёев билан “Дурмон” да дам олаётгандик. Шу тобда телефон орқали ҳамшаҳри, таниқли адиб Носир Фозилловдан ҳол сўрай бошлади. Ўша пайт 80 ёшни қаршилаган Носир ака соғлигидан, хусусан, шифокорлар тилида, эркакларнинг 2-юраги деб қиёсланидиган насл безининг дардига оид аломатлардан шикоят қила туриб, “Закон” деган дори истеъмол қилаётганини айтиб қолди. Сўзлашув тугагандан сўнг устоз луқма ташлади:

– Ёшинг етса саксонга  
– Кунинг қолар “Закон”га...

### БУТЕРБРОД

1984 йилги Республика ёш ижодкорларининг семинарига ёзувчилар уюшмасининг Қашқадарё вилоятининг Тошкентга келгандик. Сафимиз тўрт кишилик: Холмуҳаммад Ҳасан, Али Ниёз, Муҳаммад Очил ва камина. Дўрмон ижод уйига жойлашиб, кечки пайт ховлига айланган учун чиққан пайтимиз машҳур адиб Абдулла Қаҳҳордан қолган дала ховлининг бир қисмига эгалик қилган Абдулла



Орипов ариқ бўйидаги сўрида хаёл суриб ўтирган экан. Бошқа вилоятлардан келганлар ботинолмасдан у киши билан узоқдан кўллари кўксига қўйиш бош ирғаб ўтадиган бир пайтда биз тортинмасдан чархпалак бўйидаги сўрига яқин бордик. Бизда Абдулла акага “земляк”лик имтиёзи бор эдида.

– Ассалому алайкум, Абдулла ака!

Саломимиз тўрталмиш томонидан жўр ҳолатда айтилгани боис Абдулла ака сергақлашиб, биз томонга нигоҳ ташлади. Чорпоёга 2 қадам

қолганда: “Қашқадарёдан салом келтирдик”, дедик яна жўр овоз бўлиб.

Устоз сўрига тақлиф этди. Салом-алиқдан сўнг ул зот таниганиданми ёки ҳаммамиздан келбатли бўлгани учунми Муҳаммад Очилга юзланиб:

– Ўзларингизни таништиринглар, – деганда Муҳаммад Очил ўзини уюшманинг Қашқадарё вилояти бўлимида ишлашини айтди. Сўнг Холмуҳаммад Ҳасан ва Али Ниёз шеърлари, Қилич ака ҳажвиялари билан келган. Холмуҳаммад ҳуқуқшунос, Алижон ҳисобчи, Қилич ака

шифокор, мен ҳам аслида тупроқшуносман, – деди.

Абдулла ака қаддини ростлаб, бирорталаринг адабиётга тўлиқ дахлдор эмасизку, деган маъно билан ҳар биримизга синовчан тикилди. Қарасак, бу ҳолатга изоҳ бермасак бўлмайди. Менда ҳажвга иштиёқим туйғулми дарров жавоб пайдо бўлди:

– Бутерброд бўлиб келганимиз, устоз, – деганимдан сўнг устознинг чехрасида табассум пайдо бўлди. Биз билан самимий суҳбатлашиб, эртанги тадбирда муваффақиятлар тилади.

Вақт ўтиб “бутерброд” аъзолари Муҳаммад Очил таниқли ёзуви сифатида танилди, ўн йилдан ортиқ Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлимига раҳбар, 20 дан ортиқ китоблар муаллифи бўлди. Холмуҳаммад Ҳасан ҳуқуқшунос сифатида вилоят ва республика миқёсида масъул вазифаларда фаол хизмат қилиш билан бир вақтда, ўнга яқин тўпламлари билан иқтидорли шоир сифатида танилди. Али Ниёз ҳам 5 та китоб муаллифи бўлганди.

“Бутерброд” нинг учала вакили сазовор бўлган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзолиги фожиа боис ҳаётдан эрта кўз юмган Али Ниёзга насиб этмади... Афсус...

**Қилич НУРМУҲАММАД**

### Эълолар

Галимов Равил Голмитдинович номига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 6-квартал 35-уй 27-хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи, 1993 йил 24 феврал куни берилган 10-01/11454-сонли Давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
“GREEN TV” МЧЖ (СТИР 302 996 279) устав жамғармаси 3 434 590 545 сум 56 тийиндан 3 234 590 545 сум 56 тийинга камайтирилаётганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Жарқўрғон кўчаси 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.
“OLMAZOR STARTUP INKUBATSIYA” МЧЖ кредиторларни ўз устав фондини 170.065.000 (бир юз етмиш миллион олтимиш беш минг) сўм миқдорига қадар камайтирилиши ҳақида хабардор қилади.

## Бу китоблар одамларнинг қалбига меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгулик уруғини сочади

Одам боласи қизиқ, айниқса, ижодкор аҳли. Кунларнинг бирида ҳамроҳим туман газетаси ходими Умар Тожиёв билан йўлда кетаётган қадрдонимиз Бердиқобил ақани учратиб қолдик. Ай, укажонларим-а, ўзи эрталабдан кўзим учаётган эди, меҳмон сизлар экансизлар-да, дея кўришиб, уйига таклиф этди. Бироқ биз вақтимиз тигизлигини айтиб узр сўрадик.

– Ҳай, майли, бўлмаса бир пасгина тўхтаб турунлар, – деб зум ўтмасдан уйдан аллақандай кўлёмани олиб чиқиб, Умар акага тутқазди ва шуни муҳаррирингиз Темирпўлатга беринг, бир ўқиб кўрсин, деди. Бизлар хайрлашиб, йўлда давом этдик. Ака, дедим Умар акага, шу отахонга нима етишмайди, нафақаси зўр, обрў-этибори жойида, ўғиллари топарман, тинчгина ётса бўлмайди, дамини олиб, шахматини суриб...

Умар ака менга ажабсиниб қаради.

– Шу сўзларни сиз айтаяпсизми?..

Мен индамадим, хато сўзлаганимни сездим. Ҳамроҳим эса нотаниш шоирнинг шеърини ўқиди: Олга, дўстлар, фақат менинг ортимдан!..

\*\*\*

Аслида менинг отахонга гаразим ҳам, гинам ҳам йўқ, лекин ёши саксондан ошиб, китоб чиқараман, ёзувчи бўламан деб юрганига хайронман, дедим ўзимни оқламоққа уриниб.

– Хўш, ўзингиз-чи, мана, мен ҳам тинчгина юрсам бўлмайди, мен-ку майли, агар озгина ҳаракат қилсангиз, мактаб директори ёки тижоратчи, фермер бўлиш кўлингиздан кечмасмиди, барисидан кечиб, мақола, шеър ёзиб юрибсиз?

## Қамашининг "Кайковус"и

– Энди ака, менинг бўларим шу, йўрғада теккан дард...

– Бердиқобил ака ҳам гарчи касб-кори қурувчи-муҳандис бўлса-да, аслида туғма ижодкор, афсуски, шўронинг ишини деб қирқ-эллик йил умрини югуриб ўтказиб юборди. Нафақага чиқиб тинчидим, деганида, ёшлиқдаги ўй-ҳаваслар, "дард"лар юрагини қитиқлади, қўлига қалам, қалбига илҳом берди. Бирин-кетин ўқимизи китоблар ёзиб, нашр эттирди.

Эсингиздами, у кишининг етмиш йиллик тўйида шоир укаси Йўлдошбек Кенжа шундай деганди: "Кейинги ўн-ўн беш йил ичида Қамашада қандай катта воқеа содир бўлди, деб мендан сўрашса, Бердиқобил Худойқулловнинг китоблари деб айтган бўлар эдим. Бу китоблар одамларнинг қалбига меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгулик уруғини сочади".

Яқинда отахон бизларни меҳмонга чақирди. Уч-тўрт кун пайсалга солиб юрдик. Охири бўлмади. Адиб Темирпўлат Тиллаев

кўнғироқ қилиб, Оқсоқолниқига бормасак бўлмайди чоғи, ҳар куни телефон қилиб тинч кўймапти.

– Сизда нашр қилинадиган китоби йўқми? Ахир, отахон бекорга чақирмаса керак-ов?..

– Менда китоби йўқ. Балки, бошқа иши бордир... Бўлмаса, эртага келингизлар, мен хонамда бўламан, тайёр ошни емасак яхши бўлмас, дарвоқе, Турсунбой Боймировга ўзим айтаман.

Рости, зарур ишларим боис туман марказига бориб, бир кунни беҳудага йўқ қилиш менга қийин туюлди. Жўялироқ бир баҳона излай бошладим. Эртасига азонда телефоним товшу берди. Бегона рақам. Очдим. Бердиқобил ака экан.

– Бугун келмасанглар бўлмайди.

– Борамиз.

Машина ёллаб, Йўлдошбек Кенжани, сўнгра Сайфулла Ал-Муроди олиб йўлга тушдик. Турсунбой Боймиров туман газетаси тахририятида экан. Темирпўлат Тиллаев билан ёнимизга



келишди. Муҳаррир озгина иши борлигини, бир соатда ортимиздан етиб боришини айтиб, қаёққадир кетди.

Бердиқобил ака бизни дарвозаси ёнида кутиб турган экан. Қучоқлашиб кўришдик. Сўнгра меҳмонхонага кириб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Мезбон "эрмак қилиб туринглар," дея ҳар биримизга аввалдан тайёрлаб қўйган қўлёмаларини улашиб чиқди. Йўлдошбек Кенжа дарров баҳона топди: кўзойнагим уйда қопти...

Отахон уч-тўртта кўзойнакни келтириб қўйди. Охири бўлмагач, отахоннинг ёзганларини ўқишга тушдик...

\*\*\*

Ёзувлар хат шаклида бўлиб, туман иқтисодиётига оид муаммолар ва уларни ечиш бўйича отахоннинг таклиф ва мулоҳазалари эди.

Қўлёммага кўз югуртган Йўлдошбек Кенжа отахонга деди: ёзганларингиз ёмонмас, буларни жамлаб, бир нечта мақола қилсам ҳам бўлади. Тагин яна бир ўйлаб

кўриш керак. Биласиз, баъзи мутасаддилар танқидни кўйинг, хатто яхшигина таклифни айтсангиз ҳам дарров сизга бошқача қарашади. Сиздаги одамларга, жамиятга, юртимизга бўлган меҳрни эса фақат олқишлаш керак!

Йўлдошбек Кенжанинг сўзлари отахонга ёқиб тушди.

Кўп ўтмай хонага адиб Темирпўлат Тиллаев кириб келди. Ош сузилди. Гурунгимиз яна қизий бошлади. Ниҳоят, мезбон "ёрилди".

– Сизларни чақиршимдан мақсадим, бу йил саксон ёшга тўламан. Шуни қандай нишонласам экан, унгача нашриётга топширган китобим ҳам чиқиб қолар, шунга нима дейсизлар?..

Меҳмонлар ҳам у-бу дейишиб ўз фикрларини билдиришди ва отахоннинг тўйи сунбулада, салқин тушгач ўтадиган бўлди.

Тўйни ҳам ўтказдик. Яқинда эса отахоннинг навбатдаги "Ҳаёт сабоқлари", "Қалб жавоҳирлари" деб номланган китоблари босмадан чиқиб, мухлислари қўлига теғди. Эсладим, бир йили одам-бормаслик ҳажвчи Турсунбой Боймиров тўй қилди, ижодкорлар дудбурони тозаламаслик ва уй ичини иситиш мақсадида очқоловдан фойдаланиш оқибатида фуқароларнинг ис газидан захарланиши ҳамда ҳаво-газ аралашмаси чақнаши туфайли ёнгин содир бўлиб, одамлар ҳалок бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Ис газини организмга тушганда қон таркибидеги гемоглобин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб

**Ўролбой ҚОБИЛ,**  
Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси аъзоси.

## СОҒЛИГИМИЗ, ХОТИРЖАМЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Ёнилғи маҳсулотлари орасида энг хавфлиси бу табиий газдир.**

Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг беҳосдан ва ҳар хил омилларга (қувурларнинг тешилиши, авариялар) кўра узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газ плитасини ёқиб қўйиб соатлаб хабар олмаслик, иситиш печларига газни улашда хавфсизлик чораларини кўрмаслик ҳамда безпарволик портлаш, ёнгин чиқиши, шунингдек, ис газларидан захарланиш ҳолатлари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқарапти. Бундан ташқари, аҳоли томонидан қўлбола, стандарт талабларига жавоб бермайдиган жиҳозлардан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали улашни, дудбурони тозаламаслик ва уй ичини иситиш мақсадида очқоловдан фойдаланиш оқибатида фуқароларнинг ис газидан захарланиши ҳамда ҳаво-газ аралашмаси чақнаши туфайли ёнгин содир бўлиб, одамлар ҳалок бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Ис газини организмга тушганда қон таркибидеги гемоглобин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб кислород тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Оқибатда инсон ҳушини йўқотади, ҳатто ўлиши ҳеч гап эмас. Ис газини энергияни кўп ишлашдан пайдо бўладиган ва атроф-муҳитда кўп тарқалган захарловчи газдир. У асосан кўмир, табиий газ ва бошқа турдаги ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслигидан юзага келади. Нафас олаётган ҳавомиз таркибидеги 0,01 фоиз ис газининг бўлиши кишини ўлимга етаклаши ҳеч гап эмас. Суюлтирилган газдан нотўғри фойдаланилганда ҳам атрофдаги одамлар ва жониворлар захарланиши мумкин. Чунки суюлтирилган газ таркиби пропан – портловчи ва тез ёнувчи газдан иборат. Бас, шундай экан, газдан фойдаланиш, печ ва каминларни ишлатишда бепарво бўлманг! Озгина эҳтиётсизлик туфайли соғлигингизга, мол-мулкнингизга ўзингиз хавф туғдириб қўйишингиз мумкинлигини асло унутманг!

**Н.С.ХАТАМОВ,**  
Янгиҳаёт тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.

### Қутлов

**SANOAT QURILISH BANK**

# 2023

**Aziz yurtdoshlar!**

**Sizlarni Yangi yil bayrami bilan samimiy muborakbod etamiz. 2023-yil barchangizning oilangizga baxt, qalbingizga quvonch, dasturxoningizga fayzu-baraka olib kelsin.**

**O'zsanoatqurilishbank jamoasi**



Xizmatlar litsenziyalangan



## «Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни кириб келаётган янги 2023 йил билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди. **Азиз юрtdошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли кунларимиз бардавом бўлсин!**

Байрам муносабати билан сизга фойдали «Устувор» омонатини таклиф этамиз

Муддати

### 18 ой

Йиллик фоизи

### 22%





## 1220

Хизматлар лицензияланган

[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)

 [turonbank](#)
 [turonbankuz](#)
 [turonbank](#)

**QISHLOQ HAYOTI**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Тахрир ҳайъати:**

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,  
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюрогма Г-1247. 1233 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.  
Факс – (0-371) 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.  
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 19.00